



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 13 июнь, № 120 (7078)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҲУДУДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12 июнь куни Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

Фарғона вилоятини 2018 йилда ривожлантириш инвестиция дастури доирасида 285 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, бугунга қадар 35 таси якунига етказилди. Вилоятда 212 қўшма корхона фаолият кўрсатаётир, жорий йилнинг ўтган даврида хорижий сармоя иштирокидаги 45 корхона рўйхатдан ўтказилди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Кўкон” эркин иқтисодий зонасида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар ҳам аҳоли фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Қува туманида янги барпо этилган “Фарғона анорчилик” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги агрофирма билан танишди.

Мамакатимизда қишлоқ хўжалиги, айниқса, боғдорчиликни ривожлантириш, мева-сабзавотлар экспортини ошириш борасида истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, Фарғона вилоятида бугунги кунда бу борада аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, аграр соҳа маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилишда салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

Бу замин анорлари дунёга машхур. Айни кунларда анорнинг серхосил ва иқлим шароитига мос янги навларини яратиш, анорзорлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Фарғона анорчилик” агрофирмасида амалга оширилаётган ишлар бунга яққол мисолдир.

Анор етиштириш, сақ-

лаш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш ва экотуризм хизматлари кўрсатишга ихтисослаштирилган агрофирманинг умумий майдони 300 гектардан ошадди. Шундан 289 гектарига 15 га яқин навли 272 минг тулпан зиёд анор кўчати экилиб, парваришланмоқда. Беш юзга яқин кишининг бандлиги таъминланган. 2025 йилгача анорзор майдонини 2 минг гектарга етказиш режалаштирилган. Анорзор тўлиқ ҳосилга киргач, йилига 10 минг тонна маҳсулот етиштирилади.

Агрофирмага 2018 — 2020 йилларда инвестиция тариқасида Исроиладан қадоклаш, Италиядан маҳсулот қабул қилиш, ювчи ва саралаш усуналари, Нидерландиядан музлаткич агрегатлари келтириб ўрнатиш мўлжалланмоқда. Натижада 2 минг 400 тонна шарбат, 3 минг 600 тонна сараланган анор доначалари, 4 минг тонна қадокланган анор тайёрлаш имконияти яратилади.

Шу ернинг ўзида вилоятда агрологистика маркази, анорзорлар ташкил этиш, паррандачилик, чорвачилик, туячилик, баликчилик, лимон, уруғлик картошка етиштириш, асаларичиликни ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Анор ҳар қандай камёб мева каби даромад манбаидир. Бугунги кунда мамлакатимизда анорчиликни биладиган мутахассис кам. Фарғона давлат университетида анорчиликни ривожлантириш кафедраси очиб, янги навлар яратиш, мутахассислар тайёрлаш керак. Шунда бу соҳадан кўпроқ даромад олиб, маҳсулотни

хорижга экспорт қилиш мумкин, деди Президентимиз.

Марғилон шаҳридаги “Наримтекс” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифати ва ўзига хос дизайни билан хариддорларга манзур бўлмоқда. Корхона замонавий технологиялар асосида жиҳозланган. Бу ерда экспорт ҳажмини ошириш борасида доимий изланишлар олиб боришмоқда.

“Наримтекс” ташкил этилган 2008 йилда оддий тикув машиналарида хотин-қизлар кийимлари тикиларди. Мамлакатимизда тадбиркорларга берилаётган имтиёз ва преференциялар корхонани ривожлантириш имкониятларини кенгайтди. 2012 — 2015 йилларда хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда ишлаб чиқариш жараёни модернизация қилинди. Замонавий бичиш-тўқиш, безак бериш ва тикув машиналари келтириб ўрнатилди. Натижада корхона пальто, куртка, костюм, пиджак каби маҳсулотлари билан истеъмол бозорида ўзининг мустақам ўрнига эга бўлди, янги иш ўринлари яратилди.

Ўтган йили “Наримтекс” 632 минг долларлик маҳсулот экспорт қилди. Жорий йилда бу кўрсаткичи 800 минг долларга етказиш мўлжалланмоқда.

Президентимиз ишлаб чиқариш жараёни билан танишиб, тикувчи ёллар билан мулоқотда бўлди.

— Хотин-қизларнинг муносиб ҳаёт кечиришида кийимни маданиятининг ўрни катта. Либоси ўзига ёқса, ярашса, аёл кишининг кайфияти яхши бўлади. Бундай чиройли ва бежирим, замонавий ва

айни пайтда миллий менталитетимизга мос кийимларни кийган хотин-қизларнинг дунёқарashi ҳам кенгайди. Бу йўналишни ривожлантириш учун ҳамма шароитни яратиб беришга тайёрмиз. Чунки аёлларни ҳаётдан рози қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз ички ва ташқи бозорда ўрин топиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жалб этиш, ишчи-хизматчиларнинг малакасини доимий ошириб бориш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Фарғона вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари билан танишди.

Вилоятда хорижий сармояларни тўғридан-тўғри жалб қилишга қаратилган инвестициявий хаб ташкил этилмоқда. Хориждаги доимий офислар, биродарлашган шаҳарлар ва юртимиздаги чет эллик ишбилармонлар орқали бу хабга 161 миллион доллардан зиёд инвестиция жалб қилиш режалаштирилмоқда. Ушбу маблағни янги корхоналар очиш ва мавжудларини модернизация қилишга йўналтириб, 2 минг 700 дан ортиқ иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, мазкур инвестициявий хаб вилоятдаги эркин иқтисодий зоналар ва инновацион марказлар билан ҳам ишлайди.

Президентимиз бу тизимни такомиллаштириш, бундай хабларни бошқа ҳудудларда ҳам ташкил этиш, иқтисодий барқарор корхоналарни кўпайтириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Фарғона вилоятидаги саноат корхоналарига инвестиция жалб этиш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш, ёшларнинг инновацион ишланмаларини қўллаб-қувватлашга оид лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Марғилон шаҳрида ижодкорлар боғини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шу асосда бу ерда қурилиш ва обodonлаштириш ишлари амалга оширилди.

Боғ майдони 16,7 гектар бўлиб, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилган, гулзор ва майсазорлар ташкил этилган. Унинг марказида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ҳайкали ўрнатилган.

Шавкат Мирзиёев ижодкорлар боғини бориб кўрди. Эркин Воҳидов ҳайкали пойига гул қўйди.

— Ушбу боғ ёшлар маънавиятини юксалтирадиган масканга айланиши керак. Бу ерга келувчилар Эркин Воҳидов шеърларидан баҳраманд бўлиб, маънавий оламини янада бойитсин, — деди давлатимиз раҳбари.

Боғда, шунингдек, Эркин Воҳидов номидаги ижтимоий фанлар йўналишидаги истеъдодли ёшлар мактаб-интернати, Эркин Воҳидов мемориал музейи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими биноси, Нурунийлар маскани, турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган 1500 ўринли амфитеатр, ош маркази ва бошқа инфратузилма объектлари қурилган. Президентимиз таъбири билан айтганда, Марғилонда янги маънавият ўчоги барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари мемориал музейдаги экспонатларни кўздан кечирди. Бу маскан ҳақиқий маънавият ўчоги бўлиши, бу ерга ўқувчи ва ёш ижодкорларни кўпроқ олиб келиш зарурлигини таъкидлади. Вилоятда бир йилда икки марта Воҳидовхонлик кунларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Нурунийлар масканда меҳнат фахрийлари билан суҳбатлашди.

Президентимиз Олтиарик туманидаги “Исмоил Нозим обод” фермер хўжалигида бўлиб, мазкур хўжалик мисолида Фарғона вилоятида пахта ва ғалладан олинадиган ҳосилни кўпайтириш ва такрорий экин экиш бўйича амалга ошириладиган ишлар билан танишди.

2006 йили ташкил этилган мазкур хўжалик 60 гектарда деҳқончилик қилади. Қишлоқ хўжалигида яратилаётган имкониятлар, фермер хўжаликлари экинлиги-мойлаш материаллари, маблағ ва минерал ўғитлар билан таъминлаш тизими изчил йўлга қўйилаётгани натижасида жорий йилда 30 гектар ғалла майдонидан 85 — 90 центнердан ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари,

30 гектар ерда ғўзанинг “Наманган-77” нави парваришланмоқда.

Давлатимиз раҳбари пахта даласини, ғалла ўрими-йиғимининг боришини кўздан кечирди. Вилоят деҳқон ва фермерлари билан ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб олиш, ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан мулоқот қилди.

Қишлоқ хўжалиги учун мураккаб келган жорий йилда фермерлар олдида сувдан омилкорлик билан, тежамли фойдаланиш, такрорий экин экиладиган майдонларни тўғри белгилаш ва ҳосилдорликни ошириш, уруғ сифатини яхшилаш бўйича долзарб вазифалар турганини таъкидлаб, мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев Олтиарик тумани Қапчиғой маҳалласидаги “Smart kids” нодавлат мактабгача таълим муассасасини бориб кўрди.

Давлат-хусусий шерикчилик асосида ишга туширилган ушбу боғча 210 ўринга мўлжалланган. Кичкинтойларни ҳар томонлама ривожлантирадиган ўйинчоқ ва инвентарлар билан жиҳозланган. Бугунги кунда Фарғона вилоятида 38 та шундай замонавий мактабгача таълим муассасаси фаолият юритмоқда.

Шу ерда мамлакатимиз мактабгача таълим тизимида татбиқ этилаётган Интеграциялашган мониторинг электрон тизими тақдироти ўтказилди. Бу тизимда ҳар бир боланинг туғилишидан то воғга етгунга қадар бўлган ҳолати, соғлиғи, улғайиши, ўзлаштириш ҳақида маълумотлар жамланади. Шунингдек, унда тарбиячилар, боғчалар, уларга эҳтиёж тўғрисида ҳам барча ахборотлар бўлади.

— Бу таълим-тарбия тизимининг асоси, ўзига хос ойнаси, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ундаги маълумотларни кузатиш, таҳлил қилиш орқали таълим-тарбияда нималарга эътибор беришимиз кераклигини аниқлаймиз. Бизнинг фарзандларимиз энг яхши, замонавий шароитларга муносиб.

Президентимиз ушбу электрон тизимни маълумотлар билан тўлдирди, уни таълимнинг кейинги босқичларида ҳам қўйлаш бўйича топшириқлар берди.

Шу кун Олтиарик туманида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Видеоселектор шаклида ўтган йиғилишда вилоят иқтисодиёти ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, таълим, тиббиёт соҳаларини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажрлиш каби муҳим воқеа ва фактларни қайд этиш бўйича давлат хизматларини кўрсатувчи фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (кейинги ўринларда ФХД деб юритилади) органлари тизимини такомиллаштириш бўйича изчил ва тизимли иш олиб борилди.

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги ишларнинг ҳолати аҳолига ҳар томонлама ва сифатли давлат хизматларини кўрсатиш бўйича самарали механизмлар яратилишига тўқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар борлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

биринчидан, ФХД органларининг мақомини, вазифа ва ваколатларини белгилаб берадиган махсус қонун мавжуд эмас, шунингдек, мазкур соҳадаги ваколатли давлат органлари ва ташкилотларининг асосий вазифа ва функциялари аниқ чегараланмаган;

иккинчидан, ФХД органлари фаолиятига замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг паст даражадалиги, қоғоз ҳужжатлар айланмасининг сақланиб қолган андозалари асосиз молиявий харажатларга, фуқароларнинг кўп вақт қутиб қолиши ва навбатлар юзга келишига, оқибатда, айрим ҳолларда коррупция ва бюрократия ҳолатларига олиб келмоқда;

учинчидан, ФХД органлари ва ички ишлар, соғлиқни сақлаш, васийлик ва ҳомийлик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари ўртасидаги идоралараро электрон ҳамкорликнинг етарли даражада йўлга қўйилмагани туғилиш ва ўлимни сўзсиз ва ўз вақтида қайд қилиш, шунингдек, тегишли қайд этилмасдан никоҳ тузилиши ва ажралишларнинг олдини олиш бўйича самарали мониторинг тизимини яратиш;

тўртинчидан, давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва тежорлиги, ФХД органлари ходимлари томонидан ўз функционал вазифаларини лозим даражада бажарилиши устидан назорат қилишнинг самарали механизми, аиникса, масофадан назорат қилиш шакллантирилмаган, улар фаолиятини баҳолашнинг шаффоф тизими мавжуд эмас;

бешинчидан, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўйича давлат хизматларини жойларга чиқиб кўрсатишнинг кенг ва тизимли амалиёти йўқлиги, олис ва бориш қийин бўлган туманлардан ФХД органларига бориш учун транспорт харажатларининг юқорилиги, аҳолининг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданияти даражасининг етарли эмаслиги туғилган болаларни туғилиш ҳолатининг тегишли қайд этилмасдан қолиши хавфини юзга келтирмоқда, бу эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгилаб қўйилган болаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишга, жумладан, бепул тиббий ёрдам ва таълим олишига таъсир ўтказиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озодликдан махрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонига ШАРҲ

2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонини имзолади.

Фармонга мувофиқ илк мартаба муборак Рамазон ҳайити муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан билиб-билмай асосан содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 226 нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 102 нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, 71 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 39 нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади, бошқача қилиб айтганда, 212 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинади. Шунингдек, 14 нафар

шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартiriladi.

Афв этилганларнинг 40 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 39 нафарини чет эл фуқаролари, 37 нафарини аёллар, шунингдек, 51 нафарини таъқилланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Бу воқеа юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-муруват кўрсатиш каби эзгу фазилатларнинг муборак Рамазон ойида янада юксак намойён бўлганлигининг амалий ифодасидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот
хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ФХДЁ органларининг роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Қуйидагилар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш институтини янада ислоҳ қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

биринчи — ваколатли органларда туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралиш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш каби воқеа ҳамда фактларни кенг қамровли қайд этиш йўли билан фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш;

иккинчи — энг муҳим юридик фактларни қайд этмасдан қолдириш оқибатларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ва жамиятда қонун устуворлигини мустақамлашга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш;

учинчи — ФХДЁ органларининг оила институтини мустақамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оила ажрალიшларининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларда фаол иштирок этиш;

тўртинчи — ФХДЁ органлари фаолиятида аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини энгиллаштиришга, жумладан, ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига бормасдан хизматлар кўрсатилишига, хизматларнинг сифати ва тезкорлигини оширишга, экстерриториаллик принципи асосида архив маълумотномалари ва ахборотини олиш имкониятини берувчи фуқаролик ҳолати ягона электрон архивини шакллантиришга қаратилган инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этиш;

бешинчи — фуқаролик ҳолати юридик фактларини аниқлаш ва уларни ўз вақтида қайд этиш борасида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишни амалга оширувчи органлар маҳаллий давлат ҳокимияти, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, васийлик ва ҳомийлик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик қилиш;

олтинчи — мазкур соҳада бюрократия ва коррупция юзaga келишининг олдини олишга қаратилган идораларо электрон ҳамкорлиқни кенгайтириш орқали, жумладан, олис жойлардаги аҳоли пунктларига чиқкан ҳолда (“мобиль давлат хизматлари”) давлат хизматлари кўрсатишининг мақбул ва қулай услубларини ишлатиш;

еттинчи — ФХДЁ органлари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида қўлайлиқни ва шаффофлиқни таъминлаш, ходимлар томонидан касб этикаси қоидалари ва функционал вазифаларга амал қилиш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини сифатли ва тезкор қайд этиш, давлат божи ва бошқа тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўндирилиши устидан назоратнинг янги шаклларини, жумладан, масофавий назоратни жорий этиш;

саккизинчи — аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини оширишни назарда tutган ҳолда давлат божи ставкаларини, герб йиғимларини ва ФХДЁ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

органлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизмат тарифларини оптималлаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5415-сонли Фармонига асосан, 2018 йил 1 июлдан бошлаб ФХДЁ органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш, “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимини юритиш, ФХДЁнинг ҳудудий архивларига раҳбарлик бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги зиммасига юклатилган ҳолда, ФХДЁ органлари туманлар (шаҳарлар) ҳокимиятлари тасарруфига ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Мажбуриятларни мувофиқ тақсимлаш ва жавобгарлик соҳаларига асосан:

туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ФХДЁ бўлимлари ва никоҳ уйлари (кейинги ўринларда — ФХДЁ бўлимлари) фаолияти, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш устидан умумий раҳбарликни амалга оширади;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг ўринбосарлари — туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари раислари оилани мустақамлаш, ажримларнинг олдини олиш, туғилиш ва никоҳни ўз вақтида қайд этиш, тарғибот ва маърибат бўйича чора-тадбирларни кўришга шахсан масъул ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг директори ФХДЁ бўлимларига ҳуқуқни қўллаш амалиётини самарали мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш, “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимини техник таъминлаш ва юритиш, шунингдек, ФХДЁ архивларига раҳбарлик қилишга масъул ҳисобланади;

туманлар (шаҳарлар) ФХДЁ бўлимлари мудирлари қайд қилинаётган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг қонунийлиги учун шахсан масъул ҳисобланади.

4. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2018 йилнинг 1 июлидан:

никоҳ шартномасини ва алимент тўлаш ҳақида келишувни нотариал тасдиқлаганили;

судлар томонидан оталиқни тан олиш (белгилаш), боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги, шунингдек, туғилган вақти фактларини аниқлаш тўғрисидаги аризаларни кўрганлик учун давлат божи ўндирилиши бекор қилинсин.

6. ФХДЁ органларини, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаларини ва фуқаролар йиғинларини қатъий ҳисобда турувчи гербли гувоҳномалар бланкалари билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан таъминлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг махсус газначилик ҳисобварағига герб йиғимидан тушадиган маблағларнинг 40 фоизи, шунингдек, ФХДЁ бўлимлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг махсус ташкил қилинадиган газначилик шахсий ҳисобварақларига йўналтирилади ва фақат ФХДЁ бўлимларининг моддий-техника базасини мустақамлаш

бўйича тадбирлари, ходимларининг узоқ мuddат хизмат қилгани учун иш ҳақига устама ҳақ тўлаш ва мартаба даражалари учун қўшимчаларига, шунингдек, уларни моддий рағбатлантиришга (лавозим маошининг ва мукофотларнинг 100 фоизи микдоридаги шахсий устамалар) ишлатилади; махсус ташкил қилинадиган газначилик шахсий ҳисобварақларига йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

2019 йилнинг 1 январидан бошлаб ФХДЁ органлари билан туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумотлар алмашишни йўлга қўйиш, шунингдек, туғилиш ва ўлим ҳақида ягона ноёб кодли унификацияланган электрон маълумотнома беришининг ягона тартибини жорий қилсин;

2019 йил 1 январга қадар фертилъ ёшидаги аёлларни ҳисобга олиш ва ҳомиладорликнинг эрта босқичидан қақалоқ туғилгунига қадар ҳисобини олиб боришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чкиш ҳамда уни “ФХДЁ ягона электрон архиви” ахборот тизими билан интеграция қилишни таъминласин.

9. Махфий.

10. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2018 йил 1 июлга қадар ФХДЁ бўлимлари томонидан фойдаланилаётган бино ва иншоотлар қисмини ҳамда уларга тегишли жиҳозлар, инвентарлар, ҳужжатлар ва бошқа мулкларнинг белгиланган тартибда туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига берилишини таъминлайди;

ФХДЁ органлари томонидан фойдаланилаётган бино ва иншоотларнинг бир қисми ўз мақсадларида фойдаланиш учун адлия органларида сақланиб қолинади;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимиятларига берилган ФХДЁ бўлимларининг бино ва иншоотларидан кейинчалик бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳамда уларни беғоналаштиришга фақат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан келишилган ҳолда рухсат берилади.

11. Қайд этилмаган туғилганлик, ўлим ҳолатларини аниқлаш ва кейинчалик уларни ФХДЁ органларида қайд этилишини таъминлаш бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари бошчилигида 2-иловага мувофиқ намунавий таркибда ҳудудий комиссиялар ташкил этилсин.

Ҳудудий комиссиялар:

2019 йилнинг 1 июлига қадар қайд этилмаган туғилганлик, ўлим ҳолатларини аниқлаш нўқтани назаридан тўлиқ хатловдан ўтказсин, унинг натижасида туғилганлик, ўлим ҳолатларининг қонун ҳужжатларидаги мувофиқ манзилли қайд этилишини таъминласин;

ўз фаолиятида туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси мавжуд бўлмаган болаларни аниқлашга алоҳида эътибор қилсин, бунда “Биронга ҳам бола қайд этилмасдан қолиши мумкин эмас” ва “Туғилганининг қайд этилиши — бола ҳуқуқларини рўёбга чиқарилишининг ва фуқаролик бўлмаслигини олдини олишнинг ҳуқуқий асосидир” деган эзгу гоғларга амал қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги

Олий таълим сифати ошса, кадрлар салоҳияти кучаяди

Кейинги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини изчил ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохот-ларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори таълим тизимидаги ислохотларнинг мантиқий давоми, ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжат бўлди.

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Қарорда олий таълим тизими-да бугунги кунда учраётган оғрик-ли нўқталар очик-ойдин санаб ўтилгани ҳолда, ушбу муаммо-ларнинг ечимлари ҳам тўлиқ кўрсатиб берилди.

Ҳужжатга кўра, алоҳида таълим йўналишлари бўйича ўқиш мuddати камида уч йил бўлган бакалаврият ҳамда ками-да бир йил бўлган магистрату-рани жорий этиш, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб таянч олий таълим муассасалари томонидан тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ҳамда дастурларининг

кадрлар буюртмачилари эхтиёж-ларига кўра, мустақил равишда ишлаб чиқилиши ҳудудларда малакали кадрлар билан боғлиқ муаммоларга ечим топади.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, энди талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш бора-сида янгича йўл тутилди. Бунда таълим йўналишларининг ўзига ҳок жиҳатлари инобатга олинган ҳолда, автоматлаштирилган, тала-балар билимини баҳолашнинг портфолио, тест синовлари, ижодий иш, антиплагят каби замонавий, шаффоф ҳамда адолатли усулларини жорий этиш

Инновацион дастурлар ҳамкорликда рўёбга чиқарилади

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш йўлида олиб борилаётган мустақил ва фаол ташқи сиёсат мамлаката-миз тараққиётда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодиё-тимиз барқарорлигини, халқимизнинг тинч, осуда ҳаётини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Шу ўринда мустақил давлати-миз қисқа вақт ичида ташқи сиёсати борасида амалга ошир-ган салмоқли ишларни фахр билан эътироф этиш ўринлидир. Бинобарин, мамлакатимиз етак-чи хорижий давлатлар, аввало, яқин қўшнилариимиз билан дўсто-на муносабатларни ривожланти-риш ва мустақамлаш бўйича аниқ натижаларга эришди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитойнинг Циндао шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай

қўзда тутилмоқда. Муайян фан-лардан дарс берган ўқитувчилар педагогларнинг яқуний назорат жараёнидаги иштирокини истисно қиладиган тизимнинг қўлланилиши ҳам таълим тизимида очиклик ва шаффофлиқни таъминлайди.

Давлатимиз раҳбарининг қаро-рида 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасала-рида “талабанинг ўзлаштириш да-ражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” тамойилини жорий этиш-нинг аниқ механизмини белги-ланди. Бу айрим ўқитувчиларнинг кўр-кўрона дарс ўтиб, ўзининг ҳам, талабанинг ҳам, энг яянчи-лиси, етук ёш кадрларга кўз тикиб турган жамиятимизнинг ҳам вақ-тини ўғирлашдек оғир оқибатлар-ни бартараф қилишга имкон бе-ради. Қолаверса, Президентимиз қарори билан олий таълим муас-сасаларининг профессор-ўқитув-чиларини уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғ-лиқ бўлмаган йўғилишларга, тад-бирларга жалб этиш тақиқланди.

Бугунги давр талабалри кечаги куннинг мезонларидан буткул фарқ қилады. Ҳозир замонавий

фикрлайдиган, энг сўнгги янгилик-лар билан ҳамнафас яшайдиган, кун сайин дунёқарашини бойитиб борадиган кадрларни тайёрлаш-га эхтиёж ошиб бормоқда. Бу жараёнда, айниқса, олий таълим тизими зиммасига катта масъу-лият юкланади. Президентими-зинг мазкур қарорида белги-ланган комплекс чора-тадбирлар ёш авлодни етук кадрлар этиб тарбиялашга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Қисқача айтганда, ушбу ҳужжат билан жорий қилинаётган янги-ликлар олий таълим муассасала-рида педагог кадрлар салоҳияти ва таълим сифатининг оширили-шида, олий таълим муассасала-рига энг иқтидорли ёшларнинг қабул қилинишида, мамлаката-мизда амалга оширилаётган кенг қамровли ҳамда тизимли ўзгариш-ларда таълим муассасаларининг фаол иштирок этишини таъмин-лашда қўл келади.

Гулчехра САТТОРОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси,
Кармана туманидаги
4-умумтаълим мактаби
директори.

операцияларини амалга ошириш тартибларини соддалаштириш, давлат-хусусий шериклик асоси-да агросаноат кластерларини янада ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини етқа-зиб бериш мақсадида “яшил йўллар” тармогини кенгайти-риш, ШХТга аъзо давлатларнинг транспорт-транзит имкониятла-рини самарали фойдаланиш, юкори технологиялар, рақамли иқтисодиёт, мукобил энергетика ва замонавий медицина соҳала-рида инновацион дастурларни ҳамкорликда рўёбга чиқариш масалаларига асосий эътиборни қаратди.

Циндао саммити яқунлари бўйи-ча 17 та ҳужжат имзоланди. Айнан Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқилган ШХТга аъзо давлатлар ўртасида Атроф-муҳит-ни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик концепцияси ҳамда ШХТга аъзо давлатлар раҳбар-

ларининг Ёшларга қўшма мурожа-ати ва унда белгиланган вазифа-ларни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурининг қабул қилиниши ўша муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу масалаларни ечишда мамлакатимизнинг фаол иштиро-кини яна бир бор кўрсатиб берди.

Умуман айтганда, Шанхай ҳам-корлик ташкилоти Давлат раҳбар-лари кенгашининг саммитида им-золанган ҳужжатлар мамлакатла-римиз ўртасидаги ўзаро манфа-атли, ҳамкорлик алоқаларини мустақамлашга, иқтисодиётими-зинг барқарорлигини таъминлаш-га ҳамда Ватанимизнинг халқроқ майдондаги нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилады.

Ойбек ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасининг Халқроқ ишлар ва парламентараро алоқалар қўмитаси аъзоси.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

2018/2019 ўқув йили учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича абитуриентларни ўқишга таклиф этади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорида институтида қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидромелиоратив ишларини механизациялаш, сув хўжалиги ва мелиорация, гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларининг бошқа йўналишлари бўйича муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш вазифаси белгиланган.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, моддий-техника базаси ва илмий-техник салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, илмий-педагог кадрлар ва мутахассисларнинг малакасини тизимли ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш ташкил этилмоқда.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида аграр соҳада замонавий қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаси, машина ва механизмларни, сув тежовчи технологияларни кенг қўллаш ва жорий этиш бўйича стратегик вазифаларни самарали ечишга қодир, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида юқори малакали, рақобатдош муҳандис-техник кадрлар тайёрланади.

Ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий техника ва технологияларни жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини ошириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид илмий-техник вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган амалий ва инновацион илмий изланишлар ҳамда ишланмаларни олиб бориш, талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва битирувчиларни ишга жойлаштиришда тармоқ корхоналари билан ҳамкорлик қилади.

Республикамиздаги мавжуд 4,3 млн. гектар суғориладиган майдонларни сув ресурслари билан таъминлаш мақсадида 180 минг км. узунликдаги суғориш тармоқлари, 800 дан ортиқ йирик гидротехник иншоотлар, 20 минг донага яқин гидропост ва сув тақсимлаш иншоотлари, умумий ҳажми 19,2 млрд. м³ бўлган 55 та сув омбори, йиллик электр энергиясининг умумий сарфи 8,2 млрд. кВт соат бўлган 1614 та насос станцияси, 4124 та тик суғориш кудуги хизмат қилмоқда. Шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолати барқарорлигини таъминлаш мақсадида 102 минг 800 км. узунликдаги очик коллектор-дренаж тармоқлари, 38 минг км. ёпик-дренаж тармоқлари, 3451 тик дренаж кудуги, 153 та мелиоратив насос станцияси ва 24 минг 839 та кузатув кудуги ишлатилиб келинмоқда.

Мамлакатимизнинг қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасига кадрларни тайёрлаб беришда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва унинг Бухоро филиали алоҳида ўрин тутди. Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётига алоҳида ҳисса қўшаётган олий ўқув юртидир.

Таълим даргоҳининг ўқув-лаборатория биноларини капитал таъмирлаш, замонавий воситалар билан жиҳозлаш ҳамда ўқув жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда институтнинг 4 та ўқув ҳамда 2 та лаборатория биноси ва 3 та талабалар тураржойи ҳамда Ахборот-ресурс маркази тўлиқ таъмирдан чиқарилган, шу билан бирга, янги талабалар ошхонаси қурилган.

Бугунги кунда институтнинг жами 7 та факультетида ёшлар 25 та таълим йўналишида таълим олмоқдалар. Жумладан, гидромелиорация факультетида сув хўжалиги ва мелиорация, дарё ва сув омборлари гидрологияси, сув таъминоти муҳандислик тизимлари, сув хўжалигида экология хавфсизлиги, гидротехника қурилиши факультетида эса гидротехника қурилиши (сув хўжалигида), ирригация тизимларида гидроэнергетика объектлари, гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш таълим йўналишларида мутахассислар тайёрланади.

Гидромелиоратив ишларини механизациялаш факультети сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги каби йўналишларни ўз ичига олади.

Ер ресурсларини бошқариш факультетида ер кадастри ва ердан фойдаланиш, геодезия ва геоинформатика, сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш факультетида сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит (сув хўжалигида) таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланади.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетида ёшлар қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис, қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш каби таълим йўналишларида таҳсил олмоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти факультетида қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш таълим йўналишлари бўйича кадрлар ўқитилади.

Факультетлар қошида жами 36 та кафедра бўлиб, 385 нафар профессор-ўқитувчидан 51 нафари фан доктори ва профессорлар, 158 нафари фан номзоди ва доцентлар бўлиб, 176 нафар катта ўқитувчи ва ассистентлар фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, институтнинг Ахборот-ресурс марказида турли форматдаги электрон ресурслар тўпланган. У ерда бадий адабиётлар, диссертациялар ҳамда институт профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган барча фанлар бўйича ўқув материалларининг алоҳида электрон базаси яратилган. АРМ умумий фонди 625 мингдан ортиқ адабиётларни ташкил этади. Уларнинг 252,344 нусхаси дарслик ва ўқув қўлланмаларидир.

Институтда 1105 та компьютер бўлиб, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар фойдаланиши учун 18 та компьютер синфи мавжуд. Улар интернет ва локал тармоқларга уланган. 2017 йилда олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида институт олимлари томонидан жами 21 монография ва 25 та патент ҳамда муаллифлик гувоҳномалари олинди, 15 та ишланмага талабномалар расмийлаштирилган. Чет эл илмий журналларида 96 та, халқаро анжуман тўпламларида 124 та, республика илмий журналларида 153 та, республика ОТМ илмий конференциялар тўпламларида 637 та илмий мақола chop этилган.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш вазифалари тобора кенгайиб бораётгани, шунингдек, айрим минтақалардаги, жумладан, Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалиги ерларининг тупроқ-иклим шароити, минераллашиши ва шўрланганлик ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ҳамда мамлакат иқтисодиётининг ўшбу энг муҳим йўналишида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги қарори асосида институтнинг Бухоро филиали ташкил этилиб, замонавий ўқув бинолари, жаҳон андозаларига мос ўқув лаборатория хоналари, Ахборот-ресурс маркази ва талабалар тураржойи билан таъминланди. Ҳозирги кунда институтнинг Бухоро филиалида 1005 нафар талаба 8 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 3 та магистратура мутахассислиги бўйича таълим олмоқда. Уларга 65 нафар профессор-ўқитувчи, жумладан, 5 нафар фан доктори, профессорлар, 21 нафар фан номзоди, доцентлар дарс беришмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, институтда юртимиз қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, иқтидорли талабалар фаолиятини ривожлантириш, улардаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш ҳамда илмий ишланмаларнинг самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилган. Хўрматли абитуриентлар! Сизларни мамлакатимизнинг қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва ривожлантиришда юқори малакали кадрлар бўлиб етишишингиз учун Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва унинг Бухоро филиалига ўқишга таклиф этамиз.



Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва унинг Бухоро филиалига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, вилоят ҳокимликларининг буюртмаларига асосан 2018/2019 ўқув йили учун давлат гранти ва тўлов-контракт асосида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул квотаси

Т/р	Шифр	Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари номи	2018/2019 ўқув йилига қабул режаси		
			Жами	шу жумладан:	
				давлат гранти	тўлов- контракт
		Бакалаврият таълим йўналишлари	1170	360	810
		Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти	900	290	610
1.	5450200	Сув хўжалиги ва мелиорация	115	30	85
2.	5430100	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш	95	25	70
3.	5450300	Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш	90	30	60
4.	5340700	Гидротехника қурилиши (сув хўжалигида)	30	10	20
5.	5450400	Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш	60	20	40
6.	5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш	50	15	35
7.	5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	25	10	15
8.	5450700	Сув таъминоти муҳандислик тизимлари	25	10	15
9.	5450800	Сув хўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш	25	10	15
10.	5141300	Дарё ва сув омборлари гидрологияси	25	10	15
11.	5630200	Сув хўжалигида экология хавфсизлиги	30	10	20
12.	5232200	Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш	40	15	25
13.	5430400	Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис	30	10	20
14.	5430500	Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш	25	10	15
15.	5450600	Ирригация тизимларида гидроэнергетика объектлари	50	15	35
16.	5430600	Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти	45	15	30
17.	5312100	Геодезия ва геоинформатика	45	15	30
18.	5411200	Ер кадастри ва ердан фойдаланиш	70	20	50
19.	5640200	Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги	25	10	15
		Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиали	270	70	200
1.	5450200	Сув хўжалиги ва мелиорация	40	10	30
2.	5430100	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш	30	10	20
3.	5450300	Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш	40	10	30
4.	5340700	Гидротехника қурилиши (сув хўжалигида)	20	5	15
5.	5450400	Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш	40	10	30
6.	5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш	20	5	15
7.	5430600	Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти	40	10	30
8.	5411200	Ер кадастри ва ердан фойдаланиш	40	10	30
		Магистратура мутахассисликлари	92	80	12
		Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти	86	74	12
1.	5A450202	Мелиорация ва суғорма деҳқончилик	6	6	0
2.	5A630101	Атроф-муҳит муҳофазаси (соҳалар бўйича)	4	1	3
3.	5A450205	Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш	4	4	0
4.	5A450206	Сув тежамкор суғориш технологиялари	4	4	0
5.	5A450401	Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, уларнинг ишончилиги ва хавфсизлиги	5	5	0
6.	5A450402	Насос станциялари ва қурилмаларидан фойдаланиш ва ташхиси	5	5	0
7.	5A430101	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш	8	8	0
8.	5A450301	Гидромелиоратив ишларни механизациялаш	7	7	0
9.	5A311001	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (сув хўжалигида)	5	2	3
10.	5A410701	Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш	8	8	0
11.	5A450207	Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва бошқариш	4	4	0
12.	5A630201	Сув хўжалигида экология хавфсизлиги	4	2	2
13.	5A232201	Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш	4	4	0
14.	5A430601	Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти	5	5	0
15.	5A430602	Сув хўжалигида Smart (интеллектуал) ўлчаш тизимлари ва асбоблари	5	5	0
16.	5A312101	Геодезия ва геоинформатика	8	4	4
		Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиали	6	6	0
1.	5A450205	Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш	2	2	0
2.	5A410701	Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш	2	2	0
3.	5A450301	Гидромелиоратив ишларни механизациялаш	2	2	0

2018/2019 ўқув йилида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти бакалавриат таълим йўналишларига давлат гранти асосида мақсадли қабул квотасини кадрлар буюртмачиларининг таклифларига асосан республика ҳудудлари бўйича тақсимо

Т/р	Шифр	Бакалавриат таълим йўналишлари номи	2018/2019 ўқув йилига қабул режаси			Давлат гранти жами	Коракалпоғистон	Хоразм	Бухоро	Навоий	Самарқанд	Сурхондарё	Қашқадарё	Жиззах	Сирдарё	Тошкент вилояти	Анжидон	Наманган	Фарғона	Тошкент шаҳри
			шу жумладан:																	
			Жами	давлат гранти	тўлов-контракт															
1.	5450200	Бакалавриат таълим йўналишлари	900	290	610	290	6	23	7	19	28	22	36	30	26	34	13	13	13	20
2.	5430100	Сув хўжалиги ва мелиорация	115	30	85	30	3	3	2	3	3	3	3	3	2	3	2	2	2	2
3.	5450300	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш	95	25	70	25	2	2	3	4	4	2	2	2	3	1	1	1	1	2
4.	5340700	Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш	90	30	60	30	4	2	3	2	4	2	2	2	2	4	2	2	1	2
5.	5450400	Гидротехника қурилиши (сув хўжалигида)	30	10	20	10														
6.	5311000	Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш	60	20	40	20	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	1	1	1	1
7.	5230900	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш ва бошқариш	50	15	35	15	2	1	1	1	2	2	2	2	2	3	1	1		
8.	5450700	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	25	10	15	10	1	1	1								1		1	
9.	5450800	Сув таъминоти муҳандислик тизимлари	25	10	15	10	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2			2	
10.	5141300	Сув хўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш	25	10	15	10	1	1	1	1		1	1	1	1	1				1
11.	5630200	Дарё ва сув омборлари гидрологияси	25	10	15	10	2			2	2	2	2	2	2	2				
12.	5232200	Сув хўжалигида экология хавфсизлиги	30	10	20	10		1	1	1	1	1	1	1	1	2	1	1	2	
13.	5430400	Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш	40	15	25	15	1	1	2	1	1	2	2	1	2	1	1	1	1	2
14.	5430500	Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис	30	10	20	10	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1				
15.	5450600	Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш	25	10	15	10	1	2	2	2	2	2	2	2	2		1			
16.	5430600	Ирригация тизимларида гидроэнергетика объектлари	50	15	35	15	1	1	1	1	1	2	2	2	2	2	2	1	1	1
17.	5312100	Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти	45	15	30	15	1	1	2	1	2	2	2	2	2	2	1	1	2	
18.	5411200	Геодезия ва геоинформатика	45	15	30	15														
19.	5640200	Ер кадастри ва ердан фойдаланиш	70	20	50	20	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	1	1	1	2
19.	5640200	Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги	25	10	15	10	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1			1	2

Абитуриентлар олий таълим муассасаси қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича:

- таълим йўналиши, ўқув тили ва шакли кўрсатилган ариза;
- ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини ёки ўрта таълимни (11-синф негизида) тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасининг асл нусхаси;
- 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;
- паспорт нусхаси;
- ҳарбий гувоҳнома нусхаси;
- 3,5 х 4,5 см. ўлчамли 6 та рангли фотосурат.

«Ўзбекистондаги ислохотлар жаҳонда қўллаб-қувватланмоқда»

Тошкент шаҳрида бошланган “Терроризмга олиб келувчи тажовузкор экстремизм ва радикализмнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашишда ёшларнинг роли” мавзусидаги халқаро конференция 12 июнь куни Самарқандда ўз ишини давом эттирди.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Мазкур халқаро конференция Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти шафелигида уюштирилди. Тадбирда БМТ, ЕИ каби нуфузли халқаро ташкилотлар, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Испания, Нидерландия, Латвия, Покистон, Россия, Саудия Арабистони, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Малайзия, Кувейт, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон сингари мамлакатлар делегациялари, хорижий шартлилар, сенаторлар, депутатлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоллари, фан арбоблари, ОАВ ходимлари қатнашди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида терроризмга қарши, асосан, куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганини таъкидлаган эди. Ушбу жараёнда, айниқса, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим ва-

зифа эканлигига ургу берилганди. Бу эса жаҳон ҳамжамиятини бир мақсад сари бирлаштиришда дадил ташаббус бўлганлиги ўз эътирофини топди. Бинобарин, Юртбошимиз 2017 йил ноябрь ойида ЕХҲТ Бош котиби билан учрашганда мазкур конференцияни ўтказиш фикрини илгари сурган, 9-10 июнь кунлари Хитойнинг Циндао шаҳрида уюштирилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги учрашувида эса Ўзбекистон Президентининг таклифига мувофиқ ташкилотга аъзо мамлакатлар етакчиларининг Ёшларга қўшма муносабатлари қабул қилинди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналиши уларнинг онги ва мафқурасини тўғри шакллантириш, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Анжуманда ёшлар орасида терроризмга олиб келувчи тажовузкор экстремизм ва радикализмга қарши курашишнинг сиёсий-ҳуқуқий

асослари, бу жараёнда уларнинг ролини ошириш, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлигини кучайтириш, миллатлараро ва конфессиялараро муносабатлар соҳасидаги Ўзбекистон тажрибаси каби масалалар муҳокама қилинди.

Конференция иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги “Регистон плаза” меҳмонхонасида вилоятдаги миллий маданий марказлар ва турли диний конфессиялар вакиллари билан мулоқот қилди. Меҳмонларга мазкур тузилмаларнинг фаолият кўрсатиши учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида атрафлича маълумот берилди.

Шундан сўнг конференция “Миллатлараро ва динлараро муносабатларда Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида ўз ишини давом эттирди.

Қатнашчилар Самарқанд шаҳридаги Рим-католик черкови ва Арман-апостоль черковида таширф бўюди. Шунингдек, шаҳардаги тарихий-маданий ёдгорликлар, муқаддас қадамжоларга саёҳат уюштирилди.

Маммадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Мохд Юсуф Ҳожи бин Усмон,
Малайзиядаги Ислон цивилизацияси
институты директоры,
профессор:

— Ўзбекистон раҳбари мамлакатингиз ҳаётидаги барча йўналишларда бир пайтнинг ўзида ислохотлар ўтказишга киришди ва улар жаҳонда қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, диний-маърифий йўналишда ҳаётга татбиқ этилаётган саъй-ҳаракатлардан ўрнат олса арзийди.

Альбир КРГАНОВ,
Россия мусулмонлари диний жамоати муфтийси,
Россия Федерацияси Умумий жамоатчилик
палатасининг миллатлараро ва динлараро
муносабатларни уйғунлаштириш комиссияси
раиси ўринбосари:

— Ёшларни терроризм ва экстремизм билан боғлиқ хавф-хатарлардан муҳофаза қилишда уларни тўғри йўналтириш, соф диний билимлар билан қуроллантириш муҳим. Ўзбекистонда бу борада катта миқёсда маърифий ишлар йўлга қўйилган. Юртингизда исломий таълимнинг қадим анъаналари сақланиб қолган. Самарқандда Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказининг очилиши буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг бой меросини сақлаб қолиш ва ўрганиш йўлидаги катта қадамдир. Ҳозиргача етиб келган буюк алло-маларнинг мероси бугун ҳам диний таълимот учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда Халқаро ислом академиясининг ташкил этилиши эса таълимнинг улуғсизлигини таъминлайди. Юқори малакали мутахассисларга эга бўлибгина самарали диний маърифатни йўлга қўйиш, диний экстремизм хавфига қарши курашиш, ёшлар онгини ундан ҳимоялаш мумкин.



Деян КЕСЕРОВИЧ,
Миграция бўйича халқаро
ташкilotнинг Марказий Осиё
бўйича минтакавий
координатори:



— БМТнинг 160 дан ортиқ давлатда ўз ваколатхоналарига эга бўлган миграция агентлиги меҳнат муҳожиралирининг радикаллашуви масалаларини ва унга қарши кураш йўлларини муҳокама қилишдан манфаатдор. 2014 йилда ташкилотимиз томонидан ўтказилган тадқиқот Марказий Осиё радикаллашуви ўчоғи деган қарашнинг нотўғри эканлигини исботлади. Аслида, фуқаролар чет элга чиққанидан сўнг ғоявий таъсирлар остига тушиб қолади. Тадқиқот бу таъсирлар учун энг заиф икки қатламни ҳам аниқлаб берди: аёллар ва ёшлар. Марказий Осиёдан чиққан 9-10 миллион мигрантнинг 5 миллионини 18 ёшдан 26 ёшгача бўлганлар ташкил қилади. Етарли даражада диний билим ва кўникмаларга эга бўлмаслик ушбу ёшларнинг нопок оқимларга қўшилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Мигрантлар радикаллашувининг омилларини бартараф этиш мақсадида биз сафардан олдинги тайёрловларни тавсия қиляпмиз. Ушбу ташаббусни Ўзбекистон қўллаб-қувватлади.

Жаятма ВИКРАМАНАЯКЕ,
БМТ Бош котибининг ёшлар
масалалари бўйича вакили:



— Ёшларнинг жамият қурилишида фаол қатнашиши, хусусан, экстремизм ва терроризм хавфини бартараф этишда муҳим куч эканлигини унутмаслик лозим. Мен турли мамлакатлардаги қўллаб-қувватлаш билан учрашганман. Улар мансуб ташкилотлар ўз негизда теъкор гуруҳлар, дўстлик лагерлари ташкил қилмоқдалар, ўзлари ишлаб чиқаётган тақлифлар билан ҳукуматга таъсир кўрсатмоқдалар.

Усмирларни бузғунчилик ғояларидан асраш учун, аввало, бу муаммонинг ўзагига кириб бориш лозим. Уларни таълимга жалб қилиш, маданий кўникмаларни шакллантириш, ишга жойлаштириш, кўмаклашиш, технологиялар билан таништириш керак. Навқирон авлод вакиллариининг фуқаролик ҳаётида фаол иштироки ҳам катта аҳамиятга эга. Тан олинг, кўп ёшлар ўз атрафида бўлаётган воқеаларга дахлдорлик сезмаёйди. Улар ўз сўзи ва хатти-ҳаракати аҳамият касб этишини, танлаш ҳуқуқига эга эканлигини ҳис қилишлари лозим. Жамиятда шундай ўзгаришлар қилиш вақти келди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ ва
Гулбоҳор АЗИМОВА ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН МУДОФАА ВАЗИРИ ҚИРГИЗИСТОН ҲАРБИЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Абдусалом Азизов Киргизистон Республикаси Куролли Кучлари Бош штаби бошлиғи Райимберди Дүйшенбиев бошлиғидаги ҳарбий делегация аъзолари билан учрашди.

Мулоқотда мудофаа соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, шунингдек, ҳарбий йўналишда алоқаларни мустақамлаш масалалари муҳокама этилди. Марказий Осиё минтақасида хавфсизлиги таъминлаш долзарб вазифа экани таъкидланди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон кўсини Қирғизистон билан дўстлик муносабатларини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорлигини таъминлашда алоҳида ўрин тутди.

Учрашувда икки мамлакат ҳарбий маҳкамалари ўртасида 2018 йилда мудофаа соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни мустақамлашга қаратилган ҳамкорлик режаси имзоланди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари академиясида ҳарбий кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари билан танишди.

А. МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Келажакка қатъий ишонч — болалар нигоҳида

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг маълумотларига кўра, дунё бўйича 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган 218 миллион бола ишлашга мажбурдир. Бу болаларнинг ҳар томонлама камол топиши ва билим олишига ҳалақит бериши билан бирга, уларнинг жисмоний, ақлий ҳамда ахлоқий ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатар экан.

ТАДБИР

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги “Ниҳол” болалар соғломлаштириш оромгоҳида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Феде-

рацияси томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ҳамкорлигида 12 июнь — Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кун

носабати билан ташкил этилган тадбирда юртимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароит яратилиб, бола меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик, миллий қонунчилик базаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётиини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани эътироф қилинди.

Болаларни ёзги соғломлаштириш йўналишидаги чора-тадбирлар болалар меҳнатига йўл

қўймаслик борасидаги самарали профилактик усуллардан биридир. Жорий йилги соғломлаштириш мавсумида мамлакат миқёсида 1313 та болалар оромгоҳи фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда ёз мавсуми давомида жами 301 минг 500 нафардан ортиқ болажонлар соғломлаштирилди.

— Жорий йилда мазкур кунга бағишланган тадбирлар “Янги авлод хавфсизлиги ва саломатлиги” мавзусини қамраб олгани билан янада қизиқарли бўляпти, — дей-

ди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси бўлим мудир Нодира Каримова. — Тадбир доирасида турли ёшдаги болажонларга ушбу сананинг моҳиятини тушунтиришга йўналтирилган викториналар, “Дунё болаларига бахт ва умид” мавзусидаги расмлар, кўйиқуш ҳамда шеърлар танлови, бола ҳуқуқлари борасида савол-жавоблар ҳам ташкил этилгани айлани мўддао бўлди.

Шунингдек, танловлар давомида болажонлар ўз маҳоратларини

кўрсатиб, дунёнинг турли минтақаларида яшаётган ва урушлар ҳамда бошқа зиддиятлар сабабли таълим олишдан маҳрум бўлган, оғир шароитларда меҳнат қилишга мажбур болаларга ҳамдардликларини ўзлари чиғзан суратлари орқали намोён этдилар.

Яқунда йўналишлар бўйича танлов ғолиблари ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланиб, дунё болаларининг урушсиз ва зиддиятларсиз ҳаётга бўлган умидлари тимсоли сифатида самога юзлаб ранг-баранг пуфаклар учуришди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан диний-маърифий ислохотлар тизимли равишда давом эттирилмоқда. Бинобарин, юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигига қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар муқаддас ислом динида улуғланган фазилатларга ҳамоҳанглиги билан яратилдир. Давлатимиз раҳбарининг кеча матбуотда эълон қилинган “Рамозон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қароридида кўзда тутилган вазифалар барчамизни хушнуд айлаб, хайрли амалларга ундайди. Зеро, унда мазкур байрам халқимиз маънавий ҳаёти, миллий қадрият ва анъаналаримизнинг ажралмас қисми эканлиги алоҳида таъкидланган. Айни пайтда 2018 йил 16 апрелда имзоланган “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ҳам мазкур йўналишдаги ишларга бутунлай янгича мазмун ҳамда моҳият бахш этишга хизмат қилади. **Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон АЛИМОВ** ушбу ҳужжатнинг мақсад ва муддаолари хусусида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Бисмиллаҳар роҳманир роҳим. Юртбошимизнинг ушбу Фармони жуда муҳим ва ҳаётий масалаларни қамраб олгани, жумладан, жонаҳон диёримизда камол топган азиз-авлиёлар, уламолар, пирлар, муҳаддисларнинг бебаҳо меросини тарғиб этиш, ўсиб келаётган ёшларимизни буюк аждодларимизнинг маънавий-маърифий асарлари билан яқиндан таништиришга қаратилганлиги билан юксак аҳамиятга эга.

Бугунги мураккаб замонда ёшларга тўғри тарбия бериш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бораётган. Иجتимоий-иқтисодий муаммолар гирдоби туйғайли бу вазифани бутунлай унутиб қўйган мамлакатлар ҳам бор. Ахир бу борада айрим давлатларда хоҳиш бўлса-да, имкон йўқ, имкон бўлса, хоҳиш йўқ. Қанчадан-қанча мамлакатларда оч-наҳор болалар кўчаларда сарсон-саргардон, яна қанчасида саводсизлик авж олган. Нора-сидалар кўча-кўйларда тентираб юради, ота-онасининг уларга қарашга қурби ҳам, маҳоли ҳам йўқ.

Шундай экан, жонаҳон Ватанимизда илму фан эъзозланганди, дину диниёт улуғланганди, ўтганлар хотирасига ҳурмат кўрсатилганди барчамизни беҳад мамнун этади. Маънавий муҳити динли равшан қиладиган бундай диёрда яшаётган, камол топаётган ҳар бир ўғил-қиз ён-

атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан таъсирланиб улғаяди, келгусида шундай ибратли ишларни амалга оширишга интилади. Шундай экан, юртимизда фарзандлар тарбиясига қаратилганди раҳм-ҳурмат алоҳида эътироф этсак арзийди.

“Фармонда “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий қадриятларимиз ифодаси эканлигини кенг ёритиш ҳамда бу соҳодаги илмий-маърифий фаолиятни жадал ташкил қилиш, кўшган ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса бўлган аждодларимизнинг бой маданий меросини чўқур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантириш каби вазифалар кўзда тутилган. Ушбу вазифалар биримизга дахлдор. Зеро, халқимизда: “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган нақл борки, бу фарзанд тарбиясидан ҳеч ким четда турмаслигини англатади.

Ўзбекистон — буюк алломалар юрти. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридид, Насафийларни дунё билади, эъзозлайди. Бугун олиб борилаётган ислохотлар ана шу буюк аждодларнинг илмий-маърифий ҳамда маданий меросига ҳурматни ифодалайди. Ушбу заминда улғайиб, ўз илмий фаолиятлари ва асарлари билан мусулмон олами ҳамда умумбашариёт тамаддунига ҳисса қўшган алломалар, муфаккирлар меросини ўрганиш, уни келажак авлодларга етказиш, илмий ва маънавий мерос акс этган қўлёзмалар, осори-атикалар востисада ислом динининг асл моҳиятини тарғиб қилиш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ислон цивилизацияси маркази, Имом Бухорий

халқаро илмий-тадқиқот маркази, Термизий, Насафий, Марғиновий илмий марказлари ташкил қилинди. Номини юқорида зикр этилган ҳужжатга биноан эса энди ушбу муассасалар сафидан Ўзбекистон ислом академияси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети негизидида ташкил қилинган Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳам жой олади.

Мазкур таълим даргоҳи Қуръон илмлари, ҳадис, ислом ҳуқуқи, ақида, тасавуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар (араб, форс, инглиз, рус, урду, турк ва б.) ҳамда бошқа халқаро миқёсда эҳтиёж мавжуд бўлган соҳалар бўйича малакали кадрларни тайёрлашга ихтисослаштирилган. Янги таълим муассасаси ўз номига муносиб тарзда халқаро миқёсда ҳам эътибор қозонади, деган умиддамиз.

Жаҳонда Имом Бухорий, Имом Термизий каби муҳаддисларимизни жуда яхши билишадиган, ҳурмат қилишадиган. Демакки, уларнинг фазлу қарамли ҳаёти ва жўшқин фаолиятини тарғиб этиш ҳам улуг вазифа ҳисобланиб, пировардида бу юртимиз довуриғини янада кенг ёйишга замин яратади. Фармонга биноан, олий диний-маърифий таълим муассасаси шаклидаги Ҳадис илми мактабининг ташкил қилиниши ҳам гоят савобли ташаббус бўлди. Қуръони карим ҳамда ҳадисларнинг асл моҳиятини, ҳадис илмининг илмий-назарий асосларини чўқур ўрганган, ҳадис илми ривожига бекиёс ҳисса қўшган улуг ватандошларимизнинг улкан илмий меросини пухта ўзлаштирган, ҳадисшунослик соҳасида илмий изла-нишлар олиб бориш кўникмасига эга мутахассисларни тайёрлаш ва ҳадислардаги эзгу умуминсоний ғояларни халқимиз,

айниқса, ёш авлодга етказиш мазкур мактабининг асосий вазифалари сирасидандир. Айни пайтда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилганлиги барчамизга улкан қувонч бағишлади. Фуқароларнинг диний, маънавий ҳамда интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, имом-хатибларга ойлик иш ҳақи тўлаш, уй-жойга муҳтож ходимларни хизмат уй-жойлари билан таъминлаш, кўп йиллар давомида намунали фаолият юритаётган, уй-жойга муҳтож имом-хатибларга янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган уй-жойларни сотиб олиб, текинга бериш назарда тутилганлиги соҳа ходимларига юксак раҳм-ҳурмат кўрсатилаётганини ифодалайди.

Президентимиз ташаббуси билан “Имом Бухорий” давлат муқофоти таъсис қилиниши ҳам улкан воқеадир. Умуман, “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ҳамда “Рамозон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарор ислом динининг асл моҳиятини, унинг тинчликпарварлик ҳамда эзгуликка асосланганини тарғиб ва тадқиқ этишга қаратилган.

Мазкур йўналишдаги оламшумул одимлар барчамизни гоят тўлқинлантирмоқда. Буларнинг барчаси етук алломалар улғайган заминда эзгулик дарахтлари барг ёзаверади, яхшилик ва мурувват, деб аталмиш мевалар дилларни баҳраманд этаверади, деганидир.

«Халқ сўзи» мухбири
Мақсуд ЖОНИХОНОВ
ёзиб олди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 645. 115 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва мустаффа қайтарилмайди.
Газетанинг қўлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.
Газета таҳририят тақриридаги маълумотларга ҳақ оператор Ж. Тоғева томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.

Навбатчи — Д. Улуғмуродов.

Мусахҳих — Ш. Машраббев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.00 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6